

Олтинхон тўранинг номи мусулмон Шаркида машхур. Зеро, у асрлардан буён Мовароуннахрда ривож топган ислом дини илмий анъаналарини изчиллик билан хорижда давом эттирган улуг инсондир. Ватандош олимларимиз хакида биз тўплаган маълумотлардан мукамалроги ушбу зот хакидадир. Олтинхон тўранинг номи мусулмон Шаркида машхур. Зеро, у асрлардан буён Мовароуннахрда ривож топган ислом дини илмий анъаналарини изчиллик билан хорижда давом эттирган улуг инсондир.

Саййид Махмудхон Саййид Назирхон ўгли Тарозий 1895 йили Жанубий Козогистоннинг Ўзбекистонга туташ қадимий Тароз (хозирги Жамбул) шахрида таваллуд топган. Тароз ушбу минтақада қадимдан ривожланган машхур шаҳарлардан ҳисобланиб, халқаро савдода ҳам ўз номига эга бўлган, шунингдек, Мовароуннахрдаги машхур диний марказлардан бири ҳисобланган. Кейинчалик шаҳарнинг номи ўзгариб «Авлиё ота» деб аталган. Саййид Махмудхоннинг насаби Ўзганда ўтган Иликхонларга бориб такалади. Бобурнинг ёзишича, «Фаргона вилоятида бу табака муктадо ва шайхулислом ва кози бўлиб келишган». Оталари Саййид Назирхон тўра катагон йилларидан олдинок хибсга олиниб, бедарак кетган.

Саййид Махмудхон ёшлигиданок ноёб истеъдоди ва ўткир қобилиятига эга бўлган. Хофиз ва Саъдий асарларидан кўп нарсаларни ёд олган, шунингдек, Куръон тиловатига ҳам мохир бўлган. У киши Тошкентдаги Кўкалдош, кейинчалик Бухоро мадрасаларида ўқиди, араб ва форс тилларини пухта эгаллади.

У кишининг Маккадаги шогирдларидан Мухаммад Косим Аминнинг гувоҳлик беришича, Саййид Махмудхон 1917 йили юз берган сиёсий бесаранжомликлардан кейинги йиллари она шаҳри Авлиё отада мактабдорлик қилган. Сўнгра шаҳардаги мадрасада мударрислик вазифасига тайинланган. Олим сифатида шухрат топиб, номи атрофдаги Туркистон, Чимкент, Сайрам, Марки томонларда ҳам машхур бўлиб кетган.

Сўнгра юртда бошланган сиёсий парокандалик туфайли кўп уламолар катори, Саййид Махмудхон Тарозий ҳам таъқиб остига олинади. Бир муддат Фаргона водийси шаҳарларида яшириниб юради, бошпана излаб, Андижонга ҳам келади. Ўша йиллардаги ёшгина мулла йигит Абдулахад Азизов (шоир Анисий) у кишини кўрган ва суҳбатини олган. Унинг айтишича, 20-йиллари Саййид Махмуд Тарозий кундузлари қабристонда яшириниб ётар, тунда эса дўстларининг уйига келиб, суҳбат қураб эди.

Нихоят, Фаргона водийсида ҳам сиёсат танглашиб, Афғонистонга ўтиб кетишга мажбур бўлади. Бу - 1930 йилларнинг бошланиши эди. Саййид Махмудхон Афғонистондан муборак ҳаж сафарига бориб, ҳаж амалларини бажаргач, Хиндистонга келади ва Бомбайнинг мусулмонлар маҳалласида муқим туриб қолади. У шаҳардаги маҳаллий масжидлардан бирига имом-хатиб этиб тайинланади. Шу тарзда Бомбайда ўн йил истикомат қилиб етук - тасаввуфшунос олим ва муҳаддис бўлиб танилади, катта обрў қозонади. Ушбу йиллар шеърини машқлар ҳам қила бошлайди.

Саййид Махмуд Тарозий Бомбайда Куръони қаримни туркийнинг «ўзбекча лаҳжаси»га ағдарган биринчи таржимондир. Қарочи, Лохур, Лакнав, Мултон каби мусулмонлар яшайдиган шаҳарларда «Тўра соҳиб», кейинчалик «Олтинхон тўра» тахаллуси билан машхур бўлиб кетади. Ўша йиллардан бошлаб араб ва ўзбек тилларида газаллар, кўпроқ мусаддаслар ёзади. Қарочидаги «Таржимони афкор» уюшмасининг раҳбари Аъзам Хошимий харакати билан унинг мусаддаслари ва шеърлар тўплами 1953 йили биринчи марта «Мусаддасоти Махмудия» номи билан нашр этилади. Ушбу тўпламнинг

сўзбошисида айтилишича, «Саййид Махмуд Тарозий хазратлари учун таърифга хожат йукдур. Илму одоб сохасидаги макомлари барчага аёндуру».

Хиндистонда бошланган ва Покистон давлатининг ташкил топиши билан тугалланган харбий-сиёсий нотинчликлар мухожирлар, жумладан, Саййид Махмудхон Тарозий -Олтинхон тўранинг ҳам оромини бузади ва ниҳоят, у Саудия Арабистонига келиб ўрнашади.

Олтинхон тўранинг 40 йилдан ортик давом этган сўнгги илмий-исломий ва адабий-маърифий фаолияти мукаддас шаҳарлар — Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварада кечди. Асосий асарлари шу ерда яратилди ва улар туфайли катта обрў-эътибор қозонди.

Дастлаб Маккада хусусий мактаб очиб, ватандошларимиз болаларига, шунингдек, маҳаллийларга ҳам дарс бера бошлайди. Ўшанда унинг кенг камровли олим экани Арабистонда ҳам маълум бўлиб, ҳукумат томонидан Харами шарифда дарс беришга таклиф қилинади. У кишининг олимлик истеъдоди, классик араб тилини чуқур билиши, нотиклиги ҳақидаги хабар Саудия Арабистони подшоҳига етиб боради. У зотнинг олимлик фаолиятини эътиборга олиб, Харамга мударрисликка тайинлайди ва бир неча йил мана шу мартабали лавозимда хизмат қилади.

Саййид Махмудхон Тарозий, юртдошларимизнинг эътироф қилишларича, мухожирларнинг ҳақиқий маънавий суянчиги эди. Ҳамюртларининг мусофир юртда бирон ҳаётий муаммоси бўлса, у киши подшоҳ ёки шаҳар амири қабулигача бемалол кириб, арз ва илтимос қила оладиган даражада обрў қозонган эди.

Домла Тарозий арабчани билмайдиган туркийзабон халқларга исломга оид илмий ва одоб-ахлоқда доир манбалар билан уларни ошно қилиш ва охир-оқибат бундай асарлар уларнинг севимли китоби бўлиб қолиши ҳақида кўпроқ ўйларди.

Шу мақсадда мусулмон оламида машҳур бўлган ва тарбиявий аҳамиятга молик баъзи асарларни ўзбек тилига таржима қилади, уларни Ватанга юбориш йулларини қидиради. Айрим асарлари Ўзбекистонгача етиб келади. Бунинг натижасида олим биздаги дахрийлик тузуми оқибатида халқларимиз ҳаётида пайдо бўлган маънавий бўшлиқни бироз бўлса-да, тўлғашишга ҳисса қўшади. Китобларни арабчадан таржима қилар экан, уларни муҳим изоҳлар ва зарур шарҳлар билан тўлдиради. Алишер Навоий, Абдурахмон Жомийнинг 40 ҳадис ҳақидаги форсча рисоласини изоҳ ва шарҳлар билан рубоий шаклида ўзбекчага таржима қилиб, натижада «Арбаъин» номли мустақил асар яратгани каби, Олтинхон тўра ҳам тарбияга доир айрим арабий асарларни ўзбек тилига таржима қилиб ва муфассал шарҳлар билан нашр эттириб, мустақил асарлар яратади.

Чунончи, «Риёз ас-солиҳин» китоби, гарчи шарҳлар билан қилинган таржима бўлса ҳам Олтинхон тўранинг муҳим асари ҳисобланади. У кишининг Куръони қаримнинг изоҳлар билан қилган таржимаси эса ўзбек тилига қилинган биринчи таржимадир. Тўра Соҳиб Хиндистонда эканидаёқ бу машаққатли ишни бошлаб, ўн йил меҳнат қилган. Ушбу таржима аввал Хиндистон, сўнгра Покистонда, 1980 йили Саудия Арабистонида учинчи марта нашр қилинди. Олимнинг «Нур ул-басар» (Пайгамбаримиз ҳақида) асари ҳам муҳим тадқиқот бўлиб, 1964 йили Қарочида, 1982 йили Мадинаи мунавварада нашр этилди ва ўша йиллариёқ хуфя тарзда бўлса ҳам Ўрта Осиё республикаларида ҳам тарқалди. Булардан ташқари, Расулulloҳ ҳаёти, баъзи исломий қоидалар ҳақидаги асарлари ҳам мавжуд.

Ҳаммаси бўлиб, ҳозирда олимнинг 20 га яқин асари аниқланган. Улардан «Девони қасоиди Махмудия» асарида или ва одоб, она-Ватан ҳақидаги қасида ва назмлар

жамланган. Карочида босилган «Мусаддасоти Махмудия» китобчасида Ватан ва унинг озодлиги хақида ёзилган жозибали мусаддаслари жам қилинган. Улардан айрим парчалар келтирамиз:

**«Замзамаи озодий» мусаддасидан:**

... Кани хорижга чиккан раҳнамолар, марду, майдонлар?  
Муҷоҳидлар, муҷаббирзода туркистонлик ўғлонлар?  
На бўлди ул Ватан йулида берган аҳду паймонлар?  
Жўнар соатда кўздин окизилган бебаҳо қонлар?  
Қолур тоқай асири фирқаи илҳод Туркистон,  
Илоҳи, қил қарам, лутфингдин ўлсин шод Туркистон.

**«Шамои́ли Муҳаммадия» асарининг таржимасига бағишланган муҳаммас-қасидадан:**

Муҳожирлар, ўқинглар, бир қитоби муҳтасардир бу,  
Набий авсофидин сизларга тўпланган гуҳардир бу,  
Асалдан ҳам асалдир бу, шақардин ҳам шақардир бу,  
ўқилсин, ҳар даму қулфат учун даф асардир бу.  
Муқаммал наҳшан ул ҳазрати хайр ул-башардир бу.

**«Риёз ус-солиҳин»га бағишланган қасидадан:**

Ассалом, эй аҳли миллат, мархабо, эй аҳли дин.  
Уммати маҳбуби Аҳмад, раҳмати руйи замин,  
Пайрави Қуръон ва Суннат хайрул мурсалин,  
Сизлар-а бўлсин муборақ муждаи жон офарин.  
Меҳрибон бўлди муҳожирларга раббил оламин,  
Лутфидин бўлди мутаржим бу Риёз ус-солиҳин.

Олмонияда чиккан «Миллий Туркистон», Мисрда чиккан арабча «Савт ат-Туркистон» ва туркча «Озод Туркистон», шунингдек, Покистонда чиккан «Таржимони афқор» ва Истамбулда чиккан «Туркистон» журналларида Олтинхон тўранинг Ватан мадҳига бағишланган мақолалари ва газаллари муттасил босилиб турган. Уларда муаллиф Ватан озодлиги, истиклоли учун барча ватандошларни бирдамликка чақиради, она-юрт ишида қуйиб ёнади, унинг гўзалликларини қуйлайди. Домла Тарозий бир мақоласида шундай деб ёзади: «... Русия ила Чин ўртасида мустақил Туркистон давлати шартдир... Иншооллох, бир кун келажак, Туркистонимиз миллий мустақиллигини олажак». Бу гаплар 1975 йили ёзилган. Бизнинг кунларда унинг ушбу гаплари худди башоратга ўхшайди. Вақти келиб, устознинг барча мақолаларини тўплаб, мустабид тузумдан озод бўлган халқимизга ҳаётада кунлар насиб қилади, деган умиддамиз. Ватандошларнинг эътироф этишларича, Олтинхон тўра Саудия Арабистонида яшовчи туркистонликларнинг маънавий раҳбари эди. Бу ёруғ кунларга етиб келгунча Олтинхон тўрага ўхшаш не-не мунаввар ватандошларимиз, юртдан ташқарида бўлса ҳам Ватан озодлиги йулида заҳмат чекдилар, она юрт фироқида қуйиб ёндилар. Олтинхон тўра бир гуруҳ ҳаммаслақлари билан биргаликда Туркистондаги оғир меҳнат шароити, пахта

яккахокимлиги туфайли унга сепилган захарли моддалардан турли касалликлар таркалаётгани хакида, умуман юртимизнинг умумжахон тараккиётидан орқада қолаётгани хакида Саудия Арабистони ва бошқа чет эл матбуотида, турли радио тулкиларда чиқишлар қилиб турган.

«Улуг Октябр инкилоби» деб аталган 1917 йилдаги давлат тўнтаришининг 40 йиллиги муносабати билан 1956 йилдан СССРда бошланган кенг тарғибот-ташвиқот ишларига жавобан, бу найрангларни фош қилувчи чиқишларга Олтинхон тўра бошчилик қилган. «Таржимони афкор» журналининг муҳаррири Аъзам Хошимий: «Бу зот муҳожирларимиз таржимонлиги соҳасида ўз вазифасини бажарган бир миллатпарвар ва ватанпарвардир», — деб ёзган эди.

Мана бу воқеа ҳам гоётада эътиборлидир: маълумки, 1953 йили март ойида Сталин вафот қилди. Шу муносабат билан «Отамиз ўлди» деб кўз ёшлари тўкиб юрилган чоғда Олтинхон тўра ташвиқоти билан Саудия Арабистонидаги ватандошлар хурсандчилик митинги уюштиришган. Ўшанда Тура соҳиб Сталин хакида танқидий мусаддас ёзган ва тўпланганларга ўқиб берган. - Биз «Мусаддасоти Махмудия» рисоласида босилган бир юз йигирма байтдан иборат ушбу мусаддасни тўлалигича келтирамиз. Зеро, газал шафқатсиз тузумни фош қилувчи нодир шеърини асардир.

### **Ситамкор Сталин**

«Ситамкор Сталин Туркистон ва бошқа турк ўлкаларнинг хуррият ва истиклолларини махв ва мунқариз айлаб, у мамлакатлар мусулмонларининг керак диний, керак миллий анъаналарини поймол этмоққа жони борича тиришган кечирилмас душмандир. Унинг даврини ниҳоят дахшатли террор даври деб қарор берилган».

Тарқ айлади дунёни ситам қор Сталин,  
Фиръавни замон — золим-у хунқор Сталин,  
Оламдаги динсизлара сардор Сталин,  
Ер юзида бемисли дилозор Сталин,  
Тадбири жаҳон фикрида хушёр Сталин,  
Қолди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Фикр этмади - йук эрди бу дунёни бақоси.  
Қолмас эди оламини шаҳаншоҳ.-У гадоси,  
Золимлар учун бор эрди Тангрининг балоси,  
Дер эрди: «худо йўқ», кўринг — ўлдурди худоси.  
Тадбири жаҳон фикрида хушёр Сталин,  
Қолди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Нолишда эди зулм ила кўп хаста жигарлар,  
Хар лаҳза мусулмонлара хар турли хатарлар,  
Пайваста ўтар эрди фиғон бирла сахарлар,  
Шак йўқки, дуоларда бўлур бўйла асарлар,  
Тадбири жаҳон фикрида хушёр Сталин,  
Қолди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Масжидлари майхона килиб эрди бу малъун,  
Дер эрди киши сўзласа дин бобида - мажнун.  
Динсизлар анинг чун эди ул гумрох мафтун,  
Дин душмани бу лахза вафоти ила махзун.  
Тадбири жахон фикрида хушёр Сталин,  
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Шод ўлди жахон - душмани ислом йикилди,  
Ахлоки ёмон кофири бадном йикилди,  
Озори ила шахраъи айём йикилди,  
Сайёд ситамгар кетиб дом йикилди.  
Тадбири жахон фикрида хушёр Сталин,  
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Мотамда бу кун куффри хароб ўлди панохи.  
Хак даргохина етди ситам дийдалар охи,  
Динсизлара юзланди ажаб бахти сиёхи,  
Махв айлади душманни Мухаммадни Илохи.  
Тадбири жахон фикрида хушёр Сталин,  
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Бу ходисадин ибрат олурмиз уммолар.  
Дин душманига Хак юборур бўйла балолар,  
Куткармади жонини дувалар-у ҳукамолар,  
Суд этмади ул аслахалар, жони фидолар,  
Тадбири жахон фикрида хушёр Сталин,  
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Кўрkitмиш эди кунбуласи бирла жахонни,  
Тукмиш эди конларни, бузиб амни омонни,  
Маръуби килиб эрди замин ила замонни,  
Топширди бу кун моликина жисми-да жонни  
Тадбири жахон фикрида хушёр Сталин,  
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Кўрдингми худони, эй, худосизлар отоси?  
Наф этдими дардингга хакиmlар давоси?  
Охирда керак булдими бу халк дуоси?  
Бок тўлгуси жисминг-ла жаханнамни фазоси!  
Тадбири жахон фикрида хушёр Сталин,  
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Оз кунда худо хохласа мулкингни очармиз.  
Кабрингга бу мазлумлар ўтларин сочармиз,  
Фўлад худудингдин аёг ила кечармиз,  
Махбуб Ватан кўксида замзамлар ичармиз,

Тадбири жахон фикрида хушёр Сталин,  
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Ёраб, сенга хамд, дил озор ўлибдур,  
Бизларга ситам килгучи бадкор ўлибдур,  
Макр ила жахон олгучи гаддор ўлибдур,  
Кон тўккучи, боскинчи жафокор ўлибдур,  
Тадбири жахон фикрида хушёр Сталин,  
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Эй, жабр ила-афгор Ватан! Сенга муборак,  
Зулм остида ночор Ватан! Сенга муборак,  
Душман кўлида хор Ватан! Сенга муборак,  
Авлоди учун зор Ватан! Сенга муборак,  
Тадбири жахон фикрида хушёр Сталин,  
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Махв айлади Хак душмани хункоринги охир,  
Эшитди худо нола ила зоринги охир,  
Икбола мубаддал килур идборинги охир,  
Махжурларинг кўргуси гулзоринги охир,  
Тадбири жахон фикрида хушёр Сталин,  
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Эй, кавм, келинг фатхга тайёр бўлайлик,  
Гафлатни отиб оркага, бедор бўлайлик,  
Бирлик ила хар лахза хабардор бўлайлик,  
Жон ила-ю, мол ила хабардор бўлайлик,  
Тадбири жахон фикрида хушёр Сталин,  
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Душманларимиз оклари тайёр эрурлар,  
Ок дема, кизиллари каби гаддор эрурлар,  
Хар иккиси дин душмани куффор эрурлар.  
Бу кавм алардин хама безор эрурлар.  
Тадбири жахон фикрида хушёр Сталин,  
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Биз эмди, сано Хаккаки, танпарвар эмасмиз,  
Бемарказ эмасмиз, яна берахбар эмасмиз.  
Бор давлатимиз, бирлигимиз, ахкар эмасмиз,  
Бегоналар эхсонига биз музтар эмасмиз,  
Тадбири жахон фикрида хушёр Сталин,  
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Эй, яхши Ватан кўксида бор ота-оналар,

Сизларга муборак бу кун, эй, ини-огалар,  
Биз мунда-ю, Сиз унда килинг Хакка дуолар,  
Сизларни халос этмака хозир бу фидолар,  
Тадбири жахон фикрида хушёр Сталин,  
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Ёраб, сенгадур эрта-ю кеч арзи рижомиз,  
Колсин бу жахон борича шоху умаромиз,  
Сен молики оламсан-у биз барча гадомиз,  
Хар лахза Худоё, сенгадур ушбу дуомиз,  
Тадбири жахон фикрида хушёр Сталин,  
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Эй, ёшлар, ўкинг, илм ила дунёни олурсиз,  
Душман бошина турли балоларни солурсиз,  
Гайратлар этинг, йук эса сиз сўнгда - колурсиз,  
Беному нишон биз каби сиз хам йўколурсиз,  
Тадбири жахон фикрида хушёр Сталин,  
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Махмуд хазин кавмини курбони хамиша,  
Илгида килич, кўксида Куръони хамиша,  
Бордир Ватанин фатхина иймони хамиша,  
Хак бўлса мададкор, анга Рахмони хамиша,  
Тадбири жахон фикрида хушёр Сталин,  
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Саййид Махмуд Тарозий-Олтинхон тўра ўзидан анчагина илмий ва адабий мерос колдирди. Бирок илмий меросининг адади хамон тўла аникланмаган. Хозирча биз аниклаган айрим асарларининг номларини келтирамиз. Олимнинг илмий ва таржима ишларининг номлари арабча бўлса хам барчаси узбек тилида ёзилган. Бизга хозирча унинг куйидаги асарлари маълум:

- 1-Куръони каримнинг таржимаси ва тафсири (Покистон, Хиндистон ва Саудия Арабистонида нашр килинган.)
- 2.«Нур ул-басар фи сийрати хайр ул-башар» (Пайгамбаримиз (с, а. в.) хаёт йуллари). 1964 йили Покистонда ва 1982 йили Саудия Арабистонида нашр килинган.
- 3.Имом Абу Закариё ан-Нававийнинг «Риёз ус-солихин» («Солих кишилар бўстони») номли турт жилдли асарининг шархлари, лугати ва таржимаси. 1964 йили Покистонда ва 1982 йили Саудия Арабистонида нашр килинган.
4. «Фазой и ул-вуруд ва ало саййид ул-вужуд» (Пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг намоз ўқишлари хакида).
- 5.«Акоид ул-ислом» («Ислом дини акидалари»). Муаллифнинг вафоти арафасида босмадан чиккан (1991).
- 6.«Хизб ул-аъзам» ( Улуг ва мўътабар коида ва низомлар).Ўгитлар тўплами.
7. Абу Ханифа ан-Нуъмон ибн Собитнинг «ал-Фикх ал-Акбар» (Шариат коидалари

туплами) асарининг шархли таржимаси.

8. Имом ат-Таховийнинг «Акидаи Таховий» («Таховий акидалари») асарига манзума ва шарх- Бу асар Покистон, Хиндистон ва Саудия Арабистонида нашр қилиниб, кенг тарқалган.

9. «Девони касоиди Махмудия» (Илм ва одоб хакида ўзлари ёзган касида ва назмлар тўплами). Турли шаҳарларда қилинган ваъзлар ва айрим сафар таассуротлари ҳам ушбу тупламга киритилган.

10. Абу Исо ат-Термизийнинг «Шамоиلى Мухаммадия» асарининг шархланган таржимаси. Таржимон суз бошида ёзишча, Пайгамбаримиз (с.а.в.) сифатлари хакида ривоят қилинган саҳобаларнинг номлари аниқланган. Бундан ташқари, ушбу асар киммати хакида махсус мусаддас ҳам ёзган (муаллифнинг ушбу асари 1991 йили Тошкентда ҳам нашр қилинган).

11. «Китоб ал-хаж» — Муборак хаж сафари қоидалари хакида. Асар 1993 йили Тошкентда ҳам нашр қилинган.

12. «Ёсин» сурасининг таржимаси ва шархи (кўлёзма).

13. «Аъмма» сураси таржимаси Карочи, 1951.

14. «Мусаддасоти Махмудия», Карочи, 1953.

15. Саудия Арабистони ва бошқа мамлакатлар матбуотида турли йиллари босилган мақолалар ва шеърлар. Шунингдек, араб тилида ёзилган қуплаб мақолалари ва шеърлари ҳам бордирки, уларни излаб топиш анча мушкулдир.

Биз уюштирган суҳбатларда айтишларича, матбуотдаги чиқишларида Олтинхон тўра Туркистоннинг озодлиги ва истиклоли учун барча ватандошларни бирдамликка чақиради, Ватан, она юрти ишида қуйиб ёнади ва унинг гузалликларини мадҳ этади. У кишидан бир қанча фарзандлар қолди. Биринчи. рузгоридан Саидахон исмли кизи ва угли Мухаммадjon хожи Янгийулда истикомат қиладилар. Отадан бир ярим яшар қолган бу кизи 1991 йили хаж сафарига бориб, отаси билан қуришди-ю, аммо гаплашишга муяссар бўлолмади: ота узок нотобликдан беҳуш ётган эдилар (кизи хаж амалларини бажариб юрган қунлари Олтинхон тура қазо қилдилар. Эшитишимизча, Саидахон ҳам 1999 йили Янгийулда вафот қилган).

Олтинхон туранинг кейинги рузгоридан Абдулқодирхон, Мунаввар қори, Усмонхон қаби угиллари ҳозирда Саудия Арабистонида истикомат қиладилар. Улар, гарчи ота юртини қўрмаган булсалар ҳам Туркистонни доимо ёдда сақлаб яшамокдалар. Угли Мунаввар қори билан Макқода биз қўп суҳбатлашдик.

Олтинхон тўра Ватан мустақиллиги эълон қилинишидан атига икки ой илгари — 1991 йил 26 июнь қуни вафот қилдилар. 1995 йил ноябрь ойида тугилган юрти Жамбул шаҳрида у зотнинг 100 йиллик юбилейига бағишланган тантаналар ўтказилди.

Бухорийлар қиссаси қитобидан. Сайфиқдин Жалилов